

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

JOFS

8-СОН

АВГУСТ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-8

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-8

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 8 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-8>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор
Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор
Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор
Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ҳайдаров Ўрал
Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
Мусаев Джамалиддин
Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
Жамолдинов Хумоюн
Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ТАНГИРОВА Хадича Ашурали кизи

Термиз давлат университети

“Ижтимоий фанлар” факультети,

амалий психология йуналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8260631>

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ САНЪАТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Ҳарбий тарих” фани ва унинг соҳалари, Ҳарбий санъат тарихи ва уни ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлигида тутган ўрни ва амалий аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ҳарбий санъат тарихини ўрганишнинг амалий аҳамияти ҳам атрофлича ўрганилади.

Калит сўзлар: ҳарбий тарих, ҳарбий санъат тарихи, стратегия, таълим ва тарбия, жанговар тайёргарлик, ватанпарварлик руҳи, психологик аҳамият, ҳарбий санъат тарихи ва унинг соҳалари.

В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ДУХЕ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ ИСТОРИИ НАЦИОНАЛЬНОГО ВОЕННОГО ИСКУССТВА В ВОСПИТАНИИ ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОБУЧЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается наука “военная история” и ее направления, История военного искусства и ее роль и практическое значение в профессиональной подготовке военнослужащих. Кроме того, детально изучается практическое значение изучения истории национального военного искусства в патриотическом воспитании военнослужащих.

Ключевые слова: военная история, история военного искусства, стратегия, образование и воспитание, боевая подготовка, патриотический дух, психологическое значение, история военного искусства и его отрасли.

IN THE PATRIOTIC SPIRIT OF THE MILITARY NATIONAL MILITARY ART HISTORY IN EDUCATION PRACTICAL IMPORTANCE OF LEARNING

ANNOTATION

This article reflects on the science of “military history” and its fields, the history of Military Art and its role and practical significance in the professional training of military personnel. In addition, the practical importance of studying the history of National Military Art in the patriotic education of military personnel is also studied in detail.

Keywords: military history, history of Military Art, Strategy, education and training, combat training, patriotic spirit, Psychological Significance, History of military art and its fields.

Армия ўзининг ривожланишида пиёдалар ёки отлик жангчилардан ташкил топган, совуқ куроллар билан куролланган кичик сонли дружиналардан ва номунтазам халқ лашкарлари отрядларидан бошлаб турли хил куроллар билан куролланган ҳамда мураккаб жанговар техника билан таъминланган замонавий оммавий армиялар қарор топишигача бўлган машаққатли ва узоқ йўлни босиб ўтди.

Жанг олиб бориш усуллари, операциялар ва урушларни ўрганиш шуни кўрсатадики, том маънода ижтимоий-иқтисодий ва моддий-техник сабабларга боғлиқ бўлган ҳарбий санъатнинг умумий олға қараб ривожланиши ҳам доимо бир текис ва бир хил бўлмаган. Унинг ривожланишининг гуркираган ва суст, тўхтаган ва пасайиш даврлари, баъзан эса вақтинчалик курашнинг эски шакллари ва усулларига қайтиш пайтлари ҳам бўлган.

Ҳарбий санъат тарихни билиш нафақат ҳарбий инсон сифатида, балки мамлакатини ўз фуқораси ва ҳаётини Ватан ҳимоясига бағишлаган профессионали ҳам билиш муҳим.

Буюк француз саркардаси Наполеон I ҳарбий тарихни моҳияти тўғрисида гапирар экан уни бугун ҳарбий тафаккурни асоси деб атаган. Унинг фикрича тарих “... ҳамма учун аҳамиятли: у ҳарбийлар учун жуда муҳим, ... ва давлат арбоблари учун ҳам ниҳоятда фойдали”. Тарихни билмасдан ҳарбийлар “омадсизликни келтириб чиқарувчи хатони ўрганиши, фойдаланиши ва ундан халос бўлиши тўғрисидаги фармойишни ўйлаб кўриши имкониятига эга бўлмайди”.

Юқоридаги фикрлар мамлакатимиз фуқаролари, қолаверса бугун ўз диёри хавфсизлиги ҳақида қайғураётган ва осойишта келажак ҳақида ўйлаётган ҳарбий профессионаллари халқимизни кўп асрли қахрамонона ва фожиали ўтмишини билишга мажбурлигини кўрсатмоқда.

Дунёда ва Ўзбекистонда олий ҳарбий таълимни ташкил топиши ва ривожланиш жараёнининг таҳлили қўмондоликка оид кадрларни тайёрлашни ҳамма босқичларида ҳарбий тарихни ўрганишга жуда катта эътибор қаратилаётганини кўрсатмоқда.


Ҳарбий тарих фанини ўрганиш ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлигининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Тарихий тажриба, ҳарбий тарих сабоқларини ҳар томонлама ўзлаштирмасдан, ҳарбий ишда, ҳозирги вақтда ҳам мавжуд ходиса ва жараёнлар моҳиятини лозим даражада англаб етиш, қолаверса уларни келажакдаги ривожланишини асосий йўналишларини олдиндан айтиш қийин бўлади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май куни Ғалабанинг 74 йиллиги ҳамда “Хотира ва кадрлаш куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “*Фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришининг энг муҳим шартидир*” деб таъкидлаб ўтганлари юқоридаги фикримизнинг яққол исботидир [1].

Ҳарбий санъат сиёсий мақсадларга эришиш учун қуролли кучлар тайёргарлиги ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилишини тан олган фаолият сифатида, энг қадимги даврларда қурол, армия ва урушларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда майдонга келди. Ҳарбий санъат ҳаётий шароитларнинг моддий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига мувофиқ ўзгариб борди.


Ҳарбий тарих – бу, урушларнинг мазмуни, сабаблари, характерларини, уларни олиб бориш усул ва воситаларини жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва моддий-техникавий шароитлари ўзгариши билан боғлиқликда ўрганадиган фан. Ҳарбий тарих фанининг сохалари қуйидаги расмда кўрсатилган [2].

Ҳарбий тарих фанининг тарих фанига нечоғлик боғлиқлигини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.



1-жадвал. Тарихнинг соҳалари

Ҳарбий санъат – ҳарбий ҳаракатларни тайёрлаш ва уларни курукликда, ҳавода, коинотда, денгизда ва кибермаконда олиб бориш назарияси ва амалиётидир.



2-жадвал. Ҳарбий санъат тарихининг вазифалари

Ҳарбий санъат таркибий қисмлари стратегия, оператив санъат ва тактика ҳисобланади.

Ҳарбий санъат тарихини ўрганиш орқали ҳарбий хизматчилар урушларни келиб чиқиш жараёни, ўзгариши, пайдо бўлиши, ривожланиши, уларни олиб боришнинг шакл ва усулларини, *стратегия, оператив санъат ва тактиканинг* ривожланиш қонуниятларини ва тенденцияларини, армияларни пайдо бўлиши ва қурилиши тарихини ўрганади.

Стратегияда давлатнинг узоқ тараққиёти истикболи, жамиятнинг пировард мақсади, исталган келажакнинг мукамал модели ифодаланади. Энг асосийси, стратегия - ривожланиш мақсадини ифода этади, одамларни ана шу йўлда бирлаштиради, уларни амалий фаолиятга сафарбар қилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Стратегия”, “Стратегема” ва “Стратегемалар назарияси” каби тушунчалар учун асос, негиз бўлган “Стратегия” атамаси юнончада “*stratos*” – лашкар, қўшин, “*ago*” - етаклайман, бошқараман, эргаштираман, яъни “*Қўшинни бошқариш санъати*” деган маъноларни англатади. Бу жиҳатдан, “Стратегия” тушунчасининг ҳозирги даврдаги мазмунига кўра, у жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ қилинадиган ҳамда кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий йўналишдаги дастурлар ҳамда режалар мажмуини англатади.

Стратегия уруш олиб бориш усуллари ва шакллари ишлаб чиқади, унга раҳбарлик қилади ҳамда уруш ҳаракатларини моддий воситалар билан таъминлаш масалалари билан шуғулланади. Ҳарбий стратегия уруш режасини ишлаб чиқади, бу урушда қуроли кучлар ва қўшин турларининг ўрнини белгилайди, уруш даврида улар ўртасидаги яқин ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштиради, алоҳида ҳарбий ҳаракатлар майдонларида қуроли кучлар ҳаракатларини ва коалиция урушларида иттифокчилар қуроли кучлари ҳаракатларини мувофиқлаштиради. Ушбу вазифалардан давлат олий ҳарбий идорасининг тутган ўрни ва аҳамияти келиб чиқади. Моҳирона стратегик раҳбарлик қуроли курашда ҳамма имкониятлардан, биринчи навбатда қуроли кучлардан тўлалигича фойдаланишни таъминлайди [3].

Ҳарбий стратегия давлат сиёсатига боғлиқ ва бевосита унга тобедир. Сиёсат урушнинг характери ва мақсадини аниқлайди ҳамда стратегияга вазифалар қўяди, давлатни урушга тайёрлаш учун керакли воситаларни белгилайди ва бутун уруш давомида қўйилган мақсадларга эришиш учун йўналтирувчи раҳбарликни амалга оширади. Ўз навбатида, стратегия сиёсатга тескари таъсир ўтказади – унинг имкониятларини кенгайтиради ёки чеклаб қўяди. Бунда урушда ғалабага эришишнинг муҳим шarti – сиёсат ва стратегия ўртасида ҳамкорликни тўғри ташкил қилиш кераклиги тўғрисидаги ҳулоса келиб чиқади.

ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯ ҳарбий сиёсат, ҳарбий доктрина ва ҳарбий концепцияларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Қуроли Кучлар раҳбарияти томонидан мунтазам амалга ошириб бориладиган, ўз ичига ҳарбий санъатнинг уруш, кампания ва стратегик операцияларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва олиб бориш масалаларини қамраб олган олий соҳасидан ташкил топган жараёндир.

ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ СТРАТЕГИЯ - олий миллий манфаатлар ва давлат хавфсизлигини таъминлашга доир ҳарбий нуқтаи назарларни айнан акс этадиган хавфсизлик ва муҳофаза соҳасидаги сиёсий ҳаракатларнинг мажмуини ҳамда сиёсий курашнинг мақсадлари, умумий йўналишлари, шакллари ва олиб бориш усулларини белгилаб берадиган ҳарбий-сиёсий ғоялар, қарашлар ва амалий чора-тадбирлар.

Умуман олганда, ҳарбий-сиёсий стратегияга:

- энг муҳим ҳарбий-сиёсий вазифаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ижросининг мақсадга мувофиқ келадиган изчиллигини белгилаш;

- давлат тараққиёти ва эҳтимолий урушнинг турли босқичларида ҳарбий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- узоқ истикболда муайян муддат давом этадиган даврда ҳарбий-сиёсий кучларнинг тегишли тақсимотини белгилаш ва ушбу кучларни қўллаш режасини ишлаб чиқиш қиради.

Ўтган асрнинг 20-йиллар бошида ҳарбий мутахассислар ҳарбий санъатни фақатгина стратегия ва тактикага бўлиш қуроли курашлар миқёсида бўлиб ўтаётган туб ўзгаришларга жавоб бермайди деган хулоса келишди. Ҳарбий санъатдаги янги соҳани номлаш учун 1922-1923 йилларда “Оператив санъат” атамасидан фойдаланилди.

Ҳарбий санъатнинг муҳим ташкилий элементларидан бири оператив санъат ҳисобланади ва қуроли кучларнинг ҳамма турларини оператив бирлашмаларини умумқўшин, биргаликдаги ва мустақил операцияларни (жаговар ҳаракатларни) тайёрлаш ва олиб бориш назарияси ва тажрибасини ўз ичига олади. Оператив санъатнинг умумий назарияси билан биргаликда қуроли кучларнинг турлари ҳам ўз оператив санъатларини ишлаб чиқади.

Оператив санъатнинг асосий вазифалари замонавий операциялар ва жанговар ҳаракатларнинг қонуниятлари, мазмуни ва характерини тадқиқ этиш, бирлашмалар ва қўшилмаларни жанговар қўллаш, операциялар (жанговар ҳаракатлар)ни тайёрлаш ва олиб бориш усулларини, куч ва воситаларнинг узлуксиз ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш усулларини ишлаб чиқиш, қўшиннинг ҳар томонлама таъминотини ташкил этиш ва уларни бошқариш, жанговар ҳаракатлар ҳудудини оператив жиҳозлаш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, эҳтимолий душманнинг оператив миқёсда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш режаларини ўрганишдан иборатдир.

Оператив санъат стратегия билан тактика ўртасидаги бўғин ҳисобланади.

Тактика (юнон. *tasso* – қўшинни сафлайман сўзидан олинган, *тактика*-қўшинни сафлаш санъати) – ҳарбий санъатнинг таркибий қисмларидан бўлиб, қўшин турларининг бўлинмалари, қўшилмалари ва махсус қўшинларнинг жанглари тайёрлаш ва олиб бориш назарияси ва амалиётини қамраб олади. Тактика назарияси жангнинг характери, мазмуни ва қонуниятларини тадқиқ этиб, уни тайёрлаш ва олиб бориш усулларини ишлаб чиқади.

Ҳарбий хизматчиларнинг “Ҳарбий санъат тарихи”ни ўрганишнинг бевосита амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат бўлади:

Биринчидан - командир (бошлиқ) лар уруш олиб боришнинг турли шаклларини, шунингдек қўшинларни таълими ва тарбияси усулларини ўзлаштирадилар, яъни, ўтмишдаги армияларда қўшинни жанговар шай ҳолатда ушлаб туриш мақсадида олиб борилган жанговар тайёргарлик машғулотларини тугган ўрни бўйича сабоқ ва хулосалар оладилар. Юртимиздан етишиб чиққан Томарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур ва шу каби бир қатор буюк саркардаларнинг нафақат тарихини, шунингдек қўшинининг тузилиши, таъминоти, уларнинг ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш биз ҳарбийлар учун жуда муҳимдир. Айниқса, улар томонидан қўлланилган стратегия ва тактика чуқур англаш ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини билиш орқали ҳарбий хизматчиларни юксак Ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Иккинчидан - ҳарбий санъат тарихини ўрганиш ўтмишни чуқурроқ англашга, ҳозирни тушунишга ва келажакни олдиндан кўра билишга ёрдам беради. Тарихдан маълумки, барча саркардалар ўз давригача яшаб ўтган буюк лашкарбоши ва саркардаларнинг фаолиятини чуқур ўрганишган, улардан ўрнак олиб, улар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиб ўз фаолиятларида фойдаланганлар. Мисол учун, Амир Темур ҳарбий санъатини ўрганиш хали у тириклик давридаёқ бошлаган, ҳозирги кунда эса дунёнинг кўпгина етакчи ҳарбий академияларида ҳам А.Темур қўллаган стратегия ва тақикани ўрганилиши сўзимизнинг яққол исботидир.

Бугунги кунда келиб чиқаётган нооддий шароитларда ядроли технолгиялар ва оммавий қирғин қуролиларининг тарқалиш хавфи, ўсиб бораётган қарама-қаршиликлар, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, бевосита сарҳадларимиз яқинида давом этаётган тўқнашувлар, кибержиноятчилик, коммуникация технолгияларидан фойдаланиб ахборотли салбий таъсир кўрсатиш каби халқаро хавфсизликка ноанъанавий таҳдидларни назар-писанд қилмаслик мумкин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкин.

1. Дунёдаги ҳозирги кундаги вазият қуроли зўровонликни инсонлар жамияти ҳаётидан ҳозирча чиқиб кетмаганини тасдиқламоқда. Дунёни турли минтақаларида вақти-вақти билан турли миқёсдаги уруш ва қуроли тўқнашувлар чиқиб келмоқда, шу сабабли ҳам ҳарбий ҳафвсизликни таъминлаш муаммоси ер юзидаги кўп давлатлар учун долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони биринчи навбатда касбини ўз ватанини ҳимоя қилиш деган ҳарбий одамлар ҳал қилмоқда.

2. Ҳарбий профессионалга ҳарбий тарихни билиш муҳим ва зарур эканлигини тарихий тажрибалар кўрсатмоқда. Ҳарбий тажрибаларни чуқур билмасдан ҳарбий ишни долзарб муаммоларини англаш ва ҳал қилиш, уни ривожланиш истиқболини белгилаш қийин. Тарих бизга қуроли кучларни қурилиши, ҳарбий назария, бўйсинувдаги шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялаш саволларини ва давлатни ҳарбий ҳафвсизлиги билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим саволларни қандай қилиб фойдали даражада ҳал қилишни айтиб бериши мумкин [4].

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти-Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг ғалабанинг 74 йиллиги ҳамда “Хотира ва қадрлаш куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ватанпарвар” газетаси 12-сон. -Т.: 2019 йил, 11 май.
2. Дадабоев Х.В. Ҳарбий санъат тарихи. Дарслик. - Т.: Ҳарбий нашриёт, 2003.–570 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси. – Тошкент: МХХ Институти – 1997.
4. Зияева Д. Х. Дарслик. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Тошкент, “Шарқ” Нашриёт- матбаа акциядорлик кампанияси бош таҳририяти, 2012 й. – 256.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-8

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-8

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz